“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Республика шошилинч тиббий
ёрдам илмий маркази директори
проф: Д.А. Алимов

_____
2026 йил 24 ноябр

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази
тиббиёт ходимлари йиғилишининг

6- сон Б А Ё Н И

2026 йил 24 ноябр Тошкент шаҳри

Раислик қилди: проф: Д.А. Алимов, РШТЁИМ директори

Иштирок этди: РШТЁИМ ходимлари

К У Н Т А Р Т И Б И:

1. 2026 йил 21 ноябрда бўлиб ўтган Соғлиқни сақлаш вазирлиги Хайатининг йиғилишида белгиланган вазифа ва топшириқлар муҳокамаси

Эштилди:

Марказ директори Д.А. Алимов томонидан 2026 йил 21 ноябрда бўлиб ўтган Соғлиқни сақлаш вазирлиги Хайатининг йиғилишида белгиланган вазифа ва топшириқлар санаб ўтиб, айрим вазиятларда алоҳида тўҳтаб ўтди.

Ҳурматли Президентимизнинг 2026 йил 5 майдаги ПФ-77-сонли Фармони билан вазирлик ҳузурида тиббий хизматлар сифати, беморлар хавфсизлиги, клиник протокол ва стандартларга риоя этилишини баҳолаш, тиббиёт муассасалари фаолиятини таҳлил қилиш ҳамда клиник назорат тизимини жорий этиш мақсадида юридик шахс мақомига эга бўлган **Клиник аудит инспекцияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари** ташкил этилди. Инспекциянинг асосий вазифаси, даволашнинг барча босқичида протокол ва стандартларга риоя этилишини ўрганиш ва баҳолашдан иборат.

РШТЁИМда ҳам шу бўлинма ташкил этилган бўлиб, бошқарув ва назорати Б.Б.Акиловга юклатилган, тиббий ёрдам сифати бўйича ҳар ойлик қилинган ишлар юзасидан ҳисобот тайёрлайди ва кўрсаткичларини танқидий кўриб чиқиш учун раҳбариятга киритиб боради.

Бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги нафақат тиббий хизматлар сифати ва қамрови, балки уларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига ўз вақтида, холис ҳамда тушунарли тарзда етказиш билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Шу нуқтаи назардан, **Контент медиамарказнинг** ташкил этилиши соҳада ягона коммуникация муҳитини шакллантириш, тиббий ахборотнинг ишончлилигини таъминлаш, аҳоли билан очиқ мулоқотни ривожлантириш ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий аҳамиятини кенг ёритишга хизмат қилади.

Бугунги кунда марказ “Tibbiyot360” бренди остида ижтимоий тармоқлар ва ОАВ да ўз фаолиятини бошлади. Медиамарказ фаолиятининг бош мезони – тайёрланган материаллар сони эмас, балки уларнинг жамоатчиликка таъсири, ахборотнинг ишончлилиги ва аҳоли учун амалий аҳамияти бўлиши лозим.

Шу муносабат билан директорнинг илмий ишлар ва кадрлар тайёрлаш бўйича ўринбосари Ш.К. Атаджанов ҳамда ташқи алоқалар бўйича ўринбосари Х.Э. Анваровлар масъул этиб тайинланди **устувор медиа мавзуларини** белгилаш, йиллик ва чораклик медиа режаларини ишлаб чиқиш, малакали мутахассисларни ахборот-маърифий ишларга жалб қилиш, маълумотларни ва видео материалларн йиғиб контент-медиамарказ билан тизимли ҳамкорликни йўлга қўйилиши белгиланди.

Президент учрашувида берилган топшириқлар бўйича алоҳида урғу бериб ўтилди.

Хабаримиз бор, **2026 йил 27 октябрь куни** Давлатимиз раҳбари билан соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашув давомида эришилган ютуқлар эътироф этилиб, келгусида бажариладиган ишлар ва амалга ошириладиган лойиҳалар белгиланди, вазирликка, вилоят ҳокимларига, вазир ўринбосарларига, ҳудуд раҳбарлари ва Марказ раҳбарларига алоҳида вазифа ва топшириқлар берилди.

Давлатимиз Рахбари берган топшириқлар орасидан **2026 йил якунигача** хорижда фаолият юритаётган малакали **ватандош шифокорларн**и олиб келиш бўйича топшириқ берилган.

Ундан ташқари, нейрохирургия бўйича алоҳида маҳорат дарслар ва зкув курслар тайинланиб, уларда вилоят ШТЁҲ ташкилотларидан шифокор ва ҳамшираларни ўқитиш топшириғи берилган. Ушбу топшириққа маъсул этиб Атажанов Ш.К., ҳамда М.К. Махкамов тайёрланадаи ва 1 ой муддатда тегишли мутахассислардан иборат ишчи гурух ташкил этилсин.

Кейинги масала тиббиёт ходимлари учун махсус кийим-бош намуналари, ётоқ ўринлари учун чойшаб-жиҳозлар, сочиқлар ва юмшоқ мебелларга қўйиладиган талабларни тасдиқлаймиз. Бунда бирламчи бўғин тиббиёт ходимлари учун кийиб-бош бепул бўлади, яъни ташкилот томонидан берилади. Ушбу ишлар учун 2027 йилдан бошлаб алоҳида маблағ ажратиб борилади. Бу масала юзасидан Б.Ф. Мухамедова назоратида Марказ катта хамшираси ва етакчи ҳамшираларга топшириқ берилди ҳамда маъсул этиб тайёрланди.

Комплаенс хизмати

Жорий йилдан, вазирликнинг комплаенс-назорат тизим янги шаклда қайта

ташкил этилиб, алоҳида ўринбосар ва бошқарма фаолияти йўлга қўйилди.

Илк бор, ҳудудлар *(Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё, Хоразм, Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятлари)*да коррупцияга қарши чора-тадбирлар самарадорлиги жойига чиққан ҳолда комплекс ўрганилди.

Ўрганишлар кадрлар, давлат харидлари, молия-хўжалик фаолияти ва пуллик хизмат, дори-дармон, туғруқ йўналишларини қамраб олган.

Ўрганилган 7 та вилоят молия-хўжалик фаолиятида 100 млрд сўмдан ортиқ молиявий қонунбузилиш ва камомадлар аниқланган. Масъулларга нисабатан чора кўриш учун тўпланган материаллар прокуратура органларига юборилди.

Аниқланган коррупциявий ҳолатларнинг 1/3 қисми ёҳуд 34,5 фоизи ишга қабул қилиш билан боғлиқ.

Ўрганишлар давомида Бухорода 180 та, Андижонда 168 та, Сурхондарёда 137 та, Самарқандда 159 та, Хоразмда 91 та, Фарғонада 44 та ва Наманганда 30 та, жами 809 та манфаатлар тўқнашуви ва непотизм ҳолатлари бартараф этилди.

Ротация тизими амалда ишламаяпти.

Яқинда Комплаенс хизмати томонидан санитария-эпидемиология органлари фаолияти ўрганилиб, вилоят ва туман даражасидаги 109 нафар раҳбар ходимлар ротация қилиниши лозимлиги аниқланди. Бугунги кун ҳолатига уларнинг 101 таси бўйича ротация амалга оширилди.

Марказда юқоридаги холатларни назорат қилиш ва керакли ишларни бажариш учун кадрлар бўлими бошлиғи З. Шарипова ҳамда комплаенс–назорати бўйича С.А. Саидовга топришилди

Давлат харидлари тизимида ҳам коррупцион хавфлар олдини олиш учун А.А. Мадмаров ҳамда Х. Ёқубовларга барча харидларни биржа ва тендерлар орқали амалга ошириш ва юрист С.А. Саидов билан биргаликда вазиятни назоратга олиш топширилди.

Марказ тиббий асбоб-ускуналарни инвентеризациядан ўтказиш, яроқлилигини текшириш, ишламайдиганларини хисобдан чиқариш ва бу бўйича Д.А. Алимовга маълумотларни олиб кириш Б.Б. Мавляновнинг назорати остида МССО богшлиғи Р.Мурсияев топширилди.

Марказ дорихона бўлими мудирига беморлар учун олинаётган дори воситаларини хужжатлаштиришда дори воситалари номига, пул маблағлари тўғри киритилганига эътиборли бўлиш топширилди.

энг асосийси ўз йўналишлари бўйича аҳоли орасида ўтказилиши лозим бўлган тарғибот ишларини ташкил қилиш мақсадида Контент медиамарказига бюртма бериб борсин.

Ўткир юрак-қон томирлар касалликлари билан қураш:

Марказ шошилинч кардиология, терапия, кардиология жонлантириш ҳамда терапия жонлантириш бўлим мудирларига, Соғлиқни сақлаш вазирлиги хисоботида келтирилган камчиликлар марказ ички тартибида йўл қўймаслик, беморларга берилаётган дори воситаларига эътибор қаратиш, касаллик

тарихлари ва дори воситаларини қонун доирасида рецептларга ёзиш такидланди, Б.Ф. Мухамедовага назоратга олиш буюрилди.

Ўлим сабабларини аниқлаш (патологоанатомик текширув):

Вазирнинг 574-сонли буйруғи Қўшма кўрсатма талабларига риоя этиш, мурдаларни текширувсиз бермаслик Б.А.Магрупов ва В.У.Убайдуллаевага топширилди.

Дори таъминоти, Доимий фаолиятдаги ҳайъатлар ва бюджет маблағлари:

Дори воситалари Доимий фаолиятдаги ҳайъатлар (ДФҲ) йиғилиши орқали тасдиқланиши ва харидлар вазирнинг 32-сонли буйруғига асосан амлага оширилиши, дори воситалларини қоғозда қўлга ёзиб бериш олдини олишлик чораларини кўриш Б.Ф. Мухамдовага, дорихона бўлим мудирига ва барча бош шифокор муовинлари топширилди.

Фармаконазорат ва полипрагмазияга йўл қўйилмаслик

Дори воситаларининг ножўя таъсири бўлиши мумкинлигини барчамиз яхши биламиз. Сифатсиз ёки заҳарли моддалар билан ифлосланган дорилар эса ҳатто оммавий заҳарланишга сабаб бўлиши мумкин.

Ножўя таъсир ҳақида хабар бериш — шифокорнинг айбини тан олиши эмас, аксинча айб шифокорда эмаслигини исботлашдир. Ножўя таъсир ҳақида хабар бериш шифокорнинг касбий мажбурияти хисобланади. Хабар берган ходим айбланмайди, аксинча, қўллаб-қувватланади.

Бугунги кунда Фарацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги Марказида Фармакологик назорат бўлими фаолият юритаяпти.

2026 йил 21 январдаги 15-сон буйруқ билан эса “Фармаконазорат” миллий электрон ахборот тизими ҳам амалиётга киритилди.

Ушбу тизим орқали шифокор аниқлаган ножўя таъсирни
ёки самарасизлик ҳақидаги маълумотни электрон тарзда Марказга юбориш имконияти бор. Ушбу холат бўйича А.А. Стопницскийга топшириқ берилди.

DMED ахборот тизими:

Б.Б. Мавляновга ҳамда М.А. Саидовга IMIS.uzни интеграция қилиш орқали DMEDга ўтказиш топшириғи берилди.

Муомала маданияти ва хизмат интизоми:

Муомала маданияти, ходимларнинг фуқаролар ва беморлар билан муносабати, шунингдек, жамоаларда соғлом маънавий-руҳий муҳитни таъминлаш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Унга кўра барча қабул бўлими мудирларига: ходимлар, беморлар ва унинг қариндошларига яхши муомалада бўлиши акс ҳолда қатий чора кўришлик такидланди.

Яна бир оғриқли масала – **жамоалардаги носоғлом муҳит**.

Айрим бўлимларда ходимлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик ўрнига бир-бирини ёмонлаш, ғийбат, туҳмат ва турли иғволарга берилиш ҳолатлари кузатилмоқда. Айримлар ўз вазифасини бажариш ўрнига вақтини гап-сўз ва ўзаро низоларга сарфламоқда.

Топшириқ.

Раҳбарининг биринчи ўринбосари ташкилотдаги маънавий-маърифий ишлар учун шахсан масъул этиб белгиланади.

Ижтимоий тармоқлар

Кейинги масала.

Ижтимоий тармоқларда тизим ҳақида негатив ахборотлар гоҳида эса асоссиз танқидий фикрлар ҳам чиқиб қолади.

Буларнинг барчаси мурожаатлар билан ишламаслик оқибатида келиб чиқади. Марказда фуқароларни қабул қилиш бўйича барча масъул ходимлар қабул кунлари ва соатлари график асосда ишлаб чиқилган. Маъсул ходимлар ушбу график аосида иш олиб боришларини, мурожаатларни беэътибор қолдирмасликларини ва барча бош шифокор муовинлари ўзларига тегишли мажмуада қатий тартиб ўрнатишларни ва мурожаатларни жойида ҳал этишлари лозимлиги такидланди.







